

## Таҳоратдан олдин мустаҳаб қилиш шартмасми?



06:30 / 29.08.2018 9870

Ассалому алайкум! Устозлар, мен таҳорат қилаётганимда ҳар доим мустаҳаб қилар эдим. Бир масалада эшитиб қолдим: ҳар доим ҳам мустаҳаб қилиш шарт эмас экан. Қўлни чиғаноқ билан қўшиб ювиш, оёқни ювиш, қулоқ ичи ва устини ювиш ва масҳ тортиш оёқларни ювиш кифоя экан. Нажосат теккан жойини кесак билан тозалаш ҳам кифоя қилар экан. Шу тўғрими? Яъни ҳар таҳоратда мустаҳаб шартмасми?

### "Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Тўғри, [шарт](#) эмас. Яъни ҳар уйқудан турганда, ел чиқарганда, бирор жойдан қон ёки йиринг чиқиб таҳорат кетганида

авратларни ювиш шарт эмас. Таҳоратни қўл ювишдан бошлайверади.  
Валлоҳу аълам!